ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛГАН ЙИРИК ТРАСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚАЙТА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида Давлат ташкилотларида ҳисобдан чиқарилган траспорт, авиа траспорт, юк ташиш траспорт ва бошқа асбоб ускуналарни қайта реконструкция қилиш орқали туризм ва хизмат кўрсатиш боғини ташкил этиш орқали аҳолини янги замонавий дам олиш масканларини жорий қилиш ва хориждан инвестиция жалб қилиш учун муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- ушбу бизнес йўналишини танлаш, ушбу бозор сегментини бизнинг минтақамизда нисбатан кам рақобатга эга бозор сифатида тавсифлаш мумкинлиги билан боғлиқ;

- барқарор ривожланмоқда ҳамда юқори даромадли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бир қанча йирик ишлаб чиқариш корхоналар ва хизмат кўрсатувчи компаниялар мавжуд. Туризм ва овқатланиш, ресторан бизнесларини ривожлантириш учун бу йўналиш айнан мақбул ҳисобланади., у мамлакатнинг сайёҳлик жойларига ички ва ташқи туристларни жалб қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу турдаги бизнесни яратиш учун аввалом бор Навоий вилояти Кон металлургия комбинати АЖ, Олмалиқ кон металлургия комбинати АЖ, Ўзбекистон ҳаво йўллари АЖ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ишини ўтаб бўлган авиа ва траспорт, турли яроқсиз ҳолдаги ҳарбий техникаларини 0 қийматда тадбиркорларга уларни реконструкция

қилиш, туризм соҳасини ривожлантириш ва овқатланиш масканлари ҳамда янги иш ўринларини ташкил қилиш эвазига бериш лозим.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарор ва фармонларини чиқариш лозим. Агар мазкур қарор фармонлар қабул қилинганидан сўнг, тадбиркор томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим.

1. Харажатлар ва даромадлар режасини ўзингиз учун тахминий қилиб тузиб олиш;

2. Ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни ҳаммасини хал қилиш;

3. Туризм бўйича қулай ер майдонларини топиш уларни узоқ муддатга ижарага олиш ёки e-auksion.uz сайти орқали сотиб олиш;

4. Мазкур авиа, ҳарбий ва бошқа траспорт воситаларини реконструкция қилиш учун зарур бўладиган жиҳоз, бошқалари бўйича таъминотчи топиш;

5. Реклама қилиш учун маркетинг тизимини ишлаб чиқиш ва инсонларга ўзгача кайфият берувчи хизмат турларини жорий қилишни режалаштириш ва амалга ошириш (масалан, овқатланиш жойи, суръатга тушиш учун қулай шароитлар, инсонлар ўзларини худди траспорт воситаларини бошқараётгандек ҳис туйғу бериш учун ишлар ташкил қилиш);

6. Малакали ходимларни ишга олиш (масалан самалётлар ичида хизмат кўрсатувчи стюардессалар каби инсонларни танлаб олиш, ҳарбий траспорт воситаларида хизмат кўрсатувчи ишчи ходимларда шу траспорт воситалари бўйича билим ва кўникма мавжуд бўлган ходимларни ишга олиш);

7. Туриз ва мадания вазирлиги, Трапспорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ҳаво йўллар АЖ, Олмалиқ ва Навоий кон металлургия комбинати АЖ лари билан келишиш.

Шунингдек, қуйидаги Потенциал талабга таъсир етувчи омилларни кўзда тутиш.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.

- туристик ҳудудларнинг барчасини таҳлил қилиш, ўрганиш ишларини олиб бориш;

- ҳудудларда ушбу хизмат билан боғлиқ хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича таклиф қилинаётган хизмат турлари ва нархлари бўйича ўрганиш ишларини амалга ошириш;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий

муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килади.

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш.

- ҳудудда мазкур турдаги хизмат мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқлаш.

Бугунги кунда ушбу турдаги бизнес лойиҳалар ривожланган хусусан Россия, Япония, Хитой, Европа ва бошқа давлатларда йўлга қўйилган бўлиб бу орқали мамлакат ва ҳудудларнинг хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланиш бўлиб келмоқда..

Мазкур транспорт воситаларини реконструкция қилиб, йирик савдо, ошхона, дам олиш масканлари қилиш учун ўртача 900 – 1 000 млн.сўм маблағ талаб қилинади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишга тушириш орқали аввало ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантириш ва бу орқали янги янги туризм жойларни кашф қилишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мазкур турдаги хизмат деярли мавжуд эмас.

Бироқ, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида битта эски АН-24 самалётини дам олиш масканига қўйилган.

Таклиф қилинган бизнес лойиҳада нафақат айланиш балки, ошхона, ресторан, суратга тушиш ва дам олиш масканлари ташкил қилиниб хизмат кўрсатилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Ушбу хизматни ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Ушбу ммосламанинг хизмат кўрсатиш ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

сўмда

Хизмат кўрсатиш тури	Ойлик (Бир ойда 25 кун иш куни)			Йиллик (Бир йилда 10 ой ишласин деб ҳисоблаймиз)		
	Ойлик келувчилар	нархи	Жами	Йиллик келувчилар	нархи	Жами
Боғга кириш	12 500	10 000	125 000 000	125 000	10 000	1 250 000 000
Ресторан хизмати (овқатланиш)	2 500	100 000	250 000 000	25 000	100 000	2 500 000 000
Бошқа хизматлар	2 500	40 000	100 000 000	25 000	40 000	1 000 000 000
Жами			475 000 000			4 750 000 000

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ

Бир йиллик харажатлари

сўмда

Харажат номи	1 ойлик	йиллик
Ижара полигон учун	50 000 000	600 000 000
Реклама харажатлари	30 000 000	360 000 000
ЖАМИ:		**960 000 000**

Штат жадвали

сўмда

№	Лавозими	Сони	Битта штат ойлик маоши	Жами 1 ойлик иш ҳақи	Жами бир йиллик иш ҳақи
1.	Директор	1	8 000 000	5 000 000	60 000 000
2.	Иш юритувчи	2	5 000 000	10 000 000	120 0000000
3.	Бухгалтер-финансист	3	6 000 000	18 000 000	216 000 000
4.	Кассир	5	4 000 000	20 000 000	240 000 000
5.	Хавфсизлик ходим	8	4 000 000	32 000 000	384 000 000
6.	Тозаловчи	8	4 000 000	32 000 000	384 000 000
7.	Официант	8	4 000 000	32 000 000	384 000 000
8.	Ошпаз	4	6 000 000	24 000 000	288 000 000
9.	Дастурчи	2	6 000 000	12 000 000	144 000 000
10.	Бошқа ходимлар	8	2 500 000	20 000 000	240 000 000
11.	**ЖАМИ**	**49**	**5 000 000**	**208 000 000**	**2 496 000 000**

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

сўмда

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ

	Ўз маблағи	Кредит маблағи	Жами
Мослама хариди 4 та	900 000 000	0	0
Лойиҳанинг умумий қиймати	**100%**	**0**	**100%**
Молиялаштириш объектлари			
Реконструкция қилишга	**900 000 000**		**900 000 000**

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўмда

Номланиши	**1- йил**
Хизматдан тушум	**4 750 000 000**
Маош харажатлари	**2 496 000 000**
Реклама харажатлари	360 000 000
Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	400 000 000
Ижараси учун	600 000 000
Солиққа қадар тушган даромад	930 000 000
Фойда солиғи 12%	111 600 000
Сой фойда	**782 400 000**